

3-1-2018

SPECIFIC FEATURES OF ACCOUNTING POLICY IN TOURISM ENTERPRISES

M. J Temirxanova

Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islam Karimov 49, mutabarchik@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Temirxanova, M. J (2018) "SPECIFIC FEATURES OF ACCOUNTING POLICY IN TOURISM ENTERPRISES," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 1 , Article 55.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss1/55>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Темирханова Мутабар Жураевна,
ТДИУ таянч докторанти
E-mail: mutabarchik@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари ёритиб берилган. Ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва унинг зарурати, шунингдек ҳисоб сиёсатининг умумий, услубий, техникавий ва ташкилий жиҳатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар шакллантирилган.

Аннотация: В данной статье раскрыты вопросы по совершенствованию учетной политики в туристических компаниях. Сущность учетной политики и ее необходимость, а также даны предложения по приближению к международным стандартам особенности общего, методического, технического и организационных разделов учетной.

Abstract: In this article questions on improvement of accounting policy in tourist companies are disclosed. The essence of accounting policy and its need, as well as proposals on the approximation of international standards, features of the general, methodical, technical and organizational sections of accounting.

Калит сўзлар: ҳисоб сиёсати, умумий бўлим, услубий жиҳатлар, техникавий бўлим, ташкилий бўлим, халқаро стандартлар.

Кириш

Республикамизда фаолият юритаётган туризм корхоналарида молия-ҳўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда улардаги пул оқимларини самарали бошқариш муҳим ҳисобланади. Туризм йўналишидаги моддий ва номоддий ресурслар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш учун уларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тузиш талаб этилади. Бу жараёндаги дастлабки вазифалардан бири - бу туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатининг зарурати ва уни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги кунда туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ҳисоб сиёсати тушунчаси, унинг зарурати, моҳияти ва аҳамияти ҳамда қандай қилиб шакллантириш мумкинлиги ҳақида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки амалий тавсияларни етарли даражада деб бўлмайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикада фаолият юритаётган туристик корхоналарнинг деярли ҳаммасида турли даражадаги ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Лекин уларни мукамал деб ҳисоблаб бўлмайди, ҳамда уларни тўлиқ равишда халқаро стандарт (МҲҲС) талабларига мувофиқлаштирилган дея олмаймиз. Бугунги кунда ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида ягона ҳужжат бу “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб

чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” деб номланган стандарт ҳисобланади [1].

Мазкур МҲҲСнинг мақсади сифатида ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатлиги белгиланган. Стандартда субъектлар, жумладан туризм корхоналарининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларнинг даврлар оралиғида бошқа молиявий ҳисоботлар билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро стандарт нафақат ҳисоб сиёсатини шакллантириш, балки ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар ҳақида маълумотларни акс эттириш бўйича ҳам умумий тавсифлар берилди, аммо бу амалиётда инobatга олинмаган. Агар туризм корхоналар фаолиятида ҳисоб сиёсатини тузиш тартиби бухгалтерия ҳисоби тизимида янги йўналишлардан бири эканлиги инobatга олинганда, туризм корхоналар амалиётида уларни сифат ва мазмуни бўйича қўйилган талаблар етарли даражада эмаслигини ва иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида ҳисобдаги ўзгаришларга мос равишда тузилмаётганлиги кузатилмоқда.

Фикримизча ҳисоб сиёсати туризм корхоналаридаги бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, кўрсатилаётган хизматлар таннархини ўз вақтида аниқлаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда, пул маблағлари тушуми, хусусан валюта операциялар ҳисоби, сафар харажатлари ва бошқа юридик жиҳатдан пайдо бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ўз вақтида ҳисобини юритилишида ҳамда соҳага турли инвестицияларни жалб этиш ва уларни ҳисобга олишда зурурий дастаклардан бирига айланади. Демак мамлакатимизда “Uzbekistan” бренди жаҳонда машҳур бўлган туристик брендлар (“Третьяков галереяси”-Россия, «Welcome to Great Britain»- Буюк Британия, «España - I need Spain»-Испания, «Visit Finland»-Финландия, «Кивиана»-Янги Зеландия, «Lithuania - Real is beautiful»-Литва, Rio 2016-Бразилия) билан рақобатлаша оладиган туризм хизматларини шакллантиришда самарали ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳисоб сиёсати тушунчаси ва уни шакллантириш услубиёти бўйича адабиётлар шарҳига мурожаат этамиз.

Бухгалтерия ҳисобига оид қонунчиликда ҳисоб сиёсати тушунчасига қўйидагича таъриф берилди: «Ҳисоб сиёсати» деганда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш учун, уларнинг тамойиллари ва

асосларига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган қоида ва усуллар мажмуаси тушунилади» [2].

1-жадвал

Ҳисоб сиёсатига олимларнинг берган таърифлари

№	Олимлар	Таърифлар
1	Проф. Ю.Иткиннинг нуқтаи назарича	«Ҳисоб сиёсати» - бу бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндиси, яъни хўжалик фаолияти учун танланган алоҳида усуллари дир [3]. Ушбу таъриф умумий ҳолда ёндашилган бўлиб, ҳисоб сиёсатининг барча жиҳатларини қамраб олмаган. Сабаби ҳисоб сиёсатини танлашда корхоналар қонунда муқобили мавжуд усулларни олади, холос. Меъёрий ҳужжатларда эса муқобили мавжуд бўлмаган усуллар ҳам мавжуд.
2	проф. Н.Жўраев берган таърифлари жуда ўринли:	«Ҳисоб сиёсати -бу хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларда руҳсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шакллари дан корхона танлаб олган ҳамда эълон қилган бухгалтерия ҳисоби тизимидир»[4].
3	Проф. А.Ибрагимов томонидан берилган таърифга кўра:	«Ҳисоб сиёсати – бу танланган корхонада унинг хўжалик фаолиятини юритишга тўлиқ жавоб берадиган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндиси дир». Шунингдек, муаллиф нафақат хўжалик субъектлар ҳисоб сиёсатини шакллантириш, балки ҳар бир тармоқ бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш лозим, дейилган [5].
4	Проф. Р.Холбековнинг фикрича:	«Корхона ҳисоб сиёсати деганда, корхонада бухгалтерия ҳисобининг ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун, тартиб, фармонлардан фойдаланиб ҳамда корхонанинг ўзига хос технологик хусусиятларини инобатга олиб ташкил қилиниши тушунилади». Шунингдек, унинг фикрича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг барчасида бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос технологик хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун ҳисоб сиёсатини олиб боришда энг аввало ўша корхонанинг жамиятда тутган ўрни, вазифаси ва ўзига хос технологик жараёнларини ўрганиб чиқиш зарурий шарт дир[6].
5	проф. М.Тўлаҳўжаев анинг берган таърифлари	«Ҳисоб сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларнинг тамойиллари ва асосларига мувофиқ равишда молиявий ҳисоботларни тузиш учун қўлланиладиган усулларнинг жамланмаси тушунилади» [7].
6.	Проф. А.Пардаев	«Корхона ҳисоб сиёсати – бу корхонанинг ўзи учун аҳамиятли бўлган ва умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган ва эълон қиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва услублар тўплами дир» [8].

Булардан кўриниб турибдики, муаллиф кўпроқ ҳисоб сиёсатини шакллантиришда корхоналарнинг технологик хусусиятларини олдинги ўринда тутмоқда. Лекин ҳисоб сиёсатини юритиш корхоналар мулк шакли ва олдига қўйилган мақсадларидан ҳам келиб чиқишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агарда олинган маълумотлар ва улар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар маълум бир даврлар учун қиёсланувчан бўлишлигини назарда тутсак, ҳисоб сиёсати бу мақсадга эришишни таъминловчи восита, десак муболаға бўлмайди.

М.Рахимов берган таърифга кўра: «Корхона ҳисоб сиёсати – бу корхона томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда унинг асосий қоидалари асосида алоҳида хўжалик жараёнларни акс эттириш ёки мулкни баҳолаш юзасидан белгиланадиган ва ҳисобот йили бўйича тўлиқ амал этадиган шакл ва услублар йиғиндиси» [9]. Бу билан муаллиф ҳисоб сиёсати тушунчасига кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қилган. Лекин, келтирилган бу жиҳатлар ҳисоб сиёсатининг тўлиқ мазмунини очиб бераолмайди. Яъни, улар бу иккала таърифда ҳисоб сиёсатини ким томонидан шакллантирилиши, танланиши борасида фикр билдирилмаган.

Чет эл иқтисодчи олимларининг ҳисоб сиёсати тушунчасига доир фикрларининг таҳлили қуйидагича. Хусусан, Россия олимларидан О.В.Рожнова ва С.Н.Гришкиналарнинг фикрига кўра: «Ҳисоб сиёсати – корхона асосий фаолияти доирасида ва умумий қабул қилинган қоидалар асосида корхона бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ усул ва шакллари йиғиндиси» [10].

Шунингдек, Россия Федерациясининг бухгалтерия ҳисоби бўйича «Корхона ҳисоб сиёсати» тўғрисидаги низомда қуйидаги аниқлашлар берилган: «Корхона ҳисоб сиёсати дейилганда, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндиси – дастлабки кузатув, қиймат ўлчови, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштиришлар тушунилади» [11].

Хорижий иқтисодий меъёрий ҳужжатларда, хусусан АҚШнинг бухгалтерия ҳисобига доир стандартида қуйидагилар баён этилган: «Ҳисоб сиёсати-бошқарувда қўлланадиган шундай усулларки, бунда муайян ҳолатларга кўра корхона молиявий аҳволини махфийлигини таъминлайди, унда юз берган хўжалик фаолият натижаларидаги ўзгаришлар мувофиқлигидир» [12].

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-сон «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар»нинг 5-бандида ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир» [13].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб, таҳлил қилиб шуни хулоса қилиш мумкинки, барчасида ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш борасидаги мавжуд жиҳатлари фикрларда тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Қуйида биз ҳисоб сиёсатини шакллантиришда таққослама маълумотларни келтириб ўтамыз.

2-жадвал

Ҳисоб сиёсати таркибига оид таққослама маълумотлар

БҲХС -8	ПБУ – 1/2008	БҲМС-1	Туризм соҳаси учун тақлиф
Н о м и :			
Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар	Ташкилотларда ҳисоб сиёсати	Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот	Туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантириш
Т а р к и б и :			
Мақсад, қўллаш доираси, таърифлар, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, изчиллиги, хатолар, кучга кириш санаси	Умумий қоидалар, ҳисоб сиёсатини шакллантириш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва ҳисоб сиёсатини очиб бериш	Умумий қоидалар, стандарт мақсади, амал қилиш соҳаси. Молиявий ҳисобот таркиби, асосий тамойиллар, ҳисоб сиёсатини очиб бериш	Умумий бўлим, услубий бўлим, техникавий бўлим ва ташкилий бўлим

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, корхонанинг ҳисоб сиёсати тушунчасини қуйидагича таърифлар билан тўлдириш мумкин: «*Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг муқобил тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушунилади*».

Демак, ҳисоб сиёсатини шакллантириш мажбурияти ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгарлик айнан корхона раҳбарига юклатилади. Шунинг учун замонавий раҳбар бу масалаларни яхши англаши, бош бухгалтер эса тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатгина муайян муомалани тўғри акс эттириш ҳуқуқини беришини тушуниши шарт деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча туризм фаолияти билан шуғулланаётган туристик корхоналарда, хусусан, тадқиқот объекти “ENJOY TRAVEL” МСНҲ да ҳисоб сиёсати қуйидаги уч қисмга ажратган ҳолда шакллантирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб объектларни тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усулларини ифодаловчи ҳолатларни кўрсатишни, методологик жиҳатларни баланс ва ҳисоботнинг бошқа шакллари ҳар бир элементи бўйича ифодалаш;

иккинчидан, бухгалтерия ҳисобини юритиш техникаси, бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регстрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шаклларининг альбомини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техникаси воситаларни, уларни қўллаш учун зарур бўлган классификатор ва кодификаторларни киритиш;

учинчидан, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашни танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бош бухгалтерни тайинланиши, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кўрсатиш.

Туризм корхоналарининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда эътибор асосан унинг услубий жиҳатларига қаратилиши керак бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалда туризм корхоналарида ҳисоб сиёсати таркиби кўпроқ бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўйича 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” деб номланган миллий стандартни тўлиқ кўчириб қўйиш билангина чегараланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан туризм корхоналари учун ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим бўлган умумий жиҳатлари таклиф этилди.

2-жадвал

Туризм компанияларида ҳисоб сиёсатининг таркиби (таклиф)

Бўлим номи	Таркиби
Умумий бўлим	Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, тамойиллари акс эттирилади
Услубий (методика) бўлим	Бухгалтерия ҳисоби объектлари (узоқ муддатли активлар, жорий активлар, хусусий капитал ва мажбуриятлар)ни тан олиш, баҳолаш, ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари ифодаловчи ҳолатлар ва амортизация ҳисоблаш тартиби акс эттирилади
Техникавий бўлим	Туризм компанияларида ҳужжатлар айланиши, бухгалтерия ҳисоби регстрлари ва уларни юритиш, хўжалик операциялари ҳисобини юритиш, ҳисобварақларга ёзувлар, ҳужжатлар шаклларининг альбомини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерларда баён этиш тартиблари кўрсатилади
Ташкилий бўлим	Туризм соҳасида бош бухгалтерга қўйилган малакавий талаблар, вазибалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги. Бухгалтерия аппарати ва уларнинг вазибалари ҳамда тузилмаси баён этилади

Ҳисоб сиёсатининг таклиф этилган мазкур умумий жиҳатлари бўйича ҳар бир туризм компанияси ўзининг молия-хўжалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Туризм фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги объектларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

3-жадвал

Туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатида ёритилиши керак бўлган бухгалтерия ҳисоби объектлари

т/р	Объект номи	Объект бўйича моддалар
1.	узоқ муддатли активлар бўйича:	- асосий воситалар - номоддий активлар - инвестициялар - капитал қўйилмалар
2.	жорий активлар бўйича:	- товар моддий захиралар - пул маблағлари - дебиторлик қарзлари
3.	хусусий капитал бўйича:	- устав капитали - қўшилган капитал - резерв капитал - тақсимланмаган фойда (зарар)
4.	узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича:	- меҳнат ҳақи, ундан ушланмалар ва ажратмалар - мол етказиб берувчилар - бюджетга солиқлар бўйича тўловлар - банк кредитлари - бошқа кредиторлик қарзлар
5.	даромадлар бўйича:	- асосий фаолиятдан олинган даромадлар - молиявий фаолият даромадлари - инвестицион фаолият даромадлари
6.	харажатлар бўйича:	- кўрсатилган хизматлар таннари - давр харажатлари - молиявий фаолият харажатлари

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

Биринчидан, Тадқиқот объекти бўлган туризм билан фаолият юритаётган корхона ва фирмаларда бухгалтерия балансини тузиш ва уни таҳлил қилишда олинган маълумотлар фойдаланувчилар учун фирманинг молиявий ҳолати ва ликвидлилиги тўғрисидаги муҳим ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Балансинг аҳамияти фирманинг молиявий аҳволини баҳоловчи энг яхши молиявий маълумотлар тизимини ўзида мужассамлаштиради. Унинг фойдалилиги шундан иборатки, баланс кўпчилик молиявий коэффициентларни жумладан, ликвидлик, молиявий мослашувчанлик, рентабеллик кабиларни ҳисоблаш ва унинг активларини баҳолаш учун муҳим манба ҳисобланади;

Иккинчидан, Халқаро стандартларда (БҲХС 1-сон) бухгалтерия баланси номи бугунги кунда кенгроқ атама билан яъни “Молиявий ҳолат тўғрисидаги

ҳисобот” номи билан аталиб келмоқда. Фикримизча туристик корхоналардаги бухгалтерия баланси номини ҳам юқоридаги атама билан қайта номлаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса туристик корхоналар учун ташқи инвестицияларни жалб этишда, корхоналарга бўлган ишончни янада ошишига замин яратади ва БҲХСларига янада яқинлашиш имкониятини беради. Бунда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” (Бухгалтерия баланси) асосан қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

- туристик корхоналарининг соф активлари ҳолати;
- мос даврга нисбатан туристик корхона фойдасининг ҳажми;
- туристик корхоналар томонидан тўланадиган солиқ мажбурияти;
- туристик корхоналарининг бизнес ҳолати ва унинг келажаги.

Учинчидан, Молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизими бўлиб улар туристик корхоналарда даромад ва харажатларни таққослаш асосида аниқланади. Молиявий натижани корхона фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида талқин қилиш, уни ҳисобга олишда ва таҳлил қилишда маълум бир кетма-кетликка асосланиши кераклигини кўрсатади. Ушбу кетма-кетлик молиявий натижаларни аниқлашда қайси мақсадлардан ва ким томонидан белгиланган тартиб-қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб–китоб қилинаётганига боғлиқ бўлади.

Туристик корхоналарининг молиявий натижасини аниқлашнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Фойда (зарар)} = \text{даромад} - \text{харажат}$$

Фикримизча ушбу формула бўйича якуний молиявий натижани ҳисоб-китоб қилиш компания бошқарувчилари, таъсисчилари, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун етарлича бўлган маълумотларни бермайди. Шунинг учун молиявий натижани ҳисоб-китоб қилиш учун манфаатдор шахслар ўз тартиб-қоидаларини белгилаб олиши мумкин. Туристик корхоналар бугунги кунда молиявий натижаларини асосан солиқ қонунчилигидан ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларидан фойдаланган ҳолда ҳисобламоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». 1998.
3. Иткин Ю. Учетная политика предприятия в Узбекистане. -Т.: Издательский центр Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана. 2001. 6-7 с..
4. Жўраев Н. Корхонанинг ҳисоб сиёсати. // Ж. Мулкдор. №49-50. 1998.

5. Ибрагимов А.ва бошқ. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. 2008 й.
 6. Холбеков Р. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. 2012 й.
 7. Тўлаходжаева М.М. и другие. Финансовый учет. Учебное пособие, разработанное на основе Национальных и МСБУ. – Т.: АПБД Узбекистана. 2001. -305 с.
 8. Пардаев А.Х Бошқарув ҳисоби. – Т.: Академия. 2002. -176 б.
 9. Рахимов М. Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш.: Автореф. дис.... канд. экон. наук -Т.: 1999.
 10. Учетная политика предприятия : Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. - М. : Экзамен, 2001. - 158, [1] с. : табл.; 21 см.; ISBN 5-8212-0244-2
 11. "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приказ Минфина России от 06.10.2008 N 106н (ред. от 28.04.2017) "Об утверждении положений по бухгалтерскому учету" (вместе с "Положением по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008)".
 12. <https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/US> Generally Accepted Accounting Principles, Other Comprehensive Basis of Accounting, IFRS. <https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/>
 13. IAS 8 - Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors. 2005. 01.01. www.iasplus.com/en/standards/ias/ias8
-